

УДК:311.219.1

ИЛМИЙ ДАРАЖАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ҚИЁСИЙ ТАВСИФЛАРИ: 2016-2022 ЙИЛЛАР



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2023-5-356-368>

Фазлиддинов Шоҳруҳ Шамсиддинович

Кадрлар малакасини ошириш ва статистик
тадқиқотлар институти мустақил изланувчиси

E-mail: fshshohruh@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Сўнгги беш йилда таълим соҳасида бир қанча қарор ва фармонлар қабул қилинди. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаши ва аттестациядан ўтказилиши тизимини янада тақомиллаштириши тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 феврал “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада тақомиллаштириши тўғрисида”даги ПФ-4958-сон Фармони тасдиқланган бўлиб ундан ташқари юқоридаги қарор ва фармонларнинг ижроси таъминланиши ортидан қандай натижаларга эришилганлиги таҳлил қилинган. Бундан ташқари илмий даражали кадрлар тайёрлашининг ҳамда яратилаётган шарт-шароитларнинг қиёсий тавсифлари охирги беш йил ва ундан олдинги даврдаги ҳолатлари таҳлил қилиниб статистик маълумотлар орқали ифодалаб берилган.

Калим сўзлар: Илмий даражали кадрлар, олий таълим, илмий ташкилотлар, тадқиқот, муаммо, камчилик, таълим сифати, мослаштириши, илмий-тадқиқот, олий таълимдан кейинги таълим, ваколат, салоҳият, ютуқ, афзаллик, ечим, докторантурা, таянч докторантурা, меъзон, таҳлил, фаолият, имконият, таълим, мослашувчанлик, талабалар, ўқитувчилар, халқаро стандартлар, истиқболлар, ҳамкорлик, ташаббус, сўнгги беш йил, ўзгаришилар, таҳлил хулоса, таълим тизими, қарор ва фармонлар, хорижий давлатлар тажрибалари, ўқитиши, фанлар, ислоҳотлар, сифат даражаси, чора-тадбирлар, шарт-шароитларни яратиш, тараққиёт, бир босқичли тизим, икки босқичли тизим, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Олий аттестация комиссияси (OAK), Фанлар академияси, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар, илмий изланувчилар, илмий-тадқиқот олиб бораётганлар, ихтисосликлар кесимида илмий-тадқиқот олиб бораётганлар, олий таълимдан

кейинги таълимда докторантуранинг турлари бўйича таҳсил олаётганлар, мақсадли кўрсаткичлар, индикаторлар,

КИРИШ

Хозирги кунда етакчи мамлакатларнинг кадрлар тайёрлаш сиёсатида илмий даражали кадрлар тайёрлашнинг энг самарали шакллари ва воситалари ишлаб чиқилмоқда. Ҳар қандай мамлакат қудратини шу минтақада шакланаётган етук илмий даражали кадрлар салоҳияти белгилаб беради. Билимли ва масъулиятли рақобатбардош юқори малакали кадр бўлиб етишиш ҳозирги даврда жамиятда ўз ўрнини топа олишнинг зарур шарти ҳисобланади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини рақамлаштириш шароитида ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимини топиш, мавжуд давлат дастурлари ижросини таъминлаш, камбағалликни камайтириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур устувор вазифаларни амалга оширишда аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда улар орасида илмий даражали кадрларни ошириш бўйича самарали ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-хукуқий механизмларини татбиқ этиш мухим аҳамиятга эга.


Етакчи олий ўқув юртлари ва илмий марказларда юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш ҳар доим жамият тараққиётининг энг кучли йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш институтлари узоқ вақт давомида мамлакатимиз олий таълим ва илмий муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаб келмоқда. Сўнгги беш йил ичida Ўзбекистоннинг юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизими интеллектуал меҳнатнинг жаҳон бозорига мослашиш, фундаментал билимларга асосланган тадқиқотчиларнинг янги авлодини тайёрлаш зарурати ва жаҳон даражасига йўналтирилганлиги сабабли кескин ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда. Жамият талабларига мувофиқ илм-фан соҳаси замонавий юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этмоқда. Интеллектуал меҳнат бозорининг янги турини шакллантириш ҳамда илм-фан ва бизнесни интеграциялаш тизимини ривожлантириш зарур, бу эса мамлакатнинг жаҳон маконида рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонига (ҳозирги кунда ўз кучини йўқотган) асосан Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада

такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор вазифаларини ва мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ва демократик ислоҳотларни, илғор жаҳон тажрибаси ва илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда олий ўқув юритидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, шунингдек диссертация тадқиқотларининг сифатини, илмий ва амалий аҳамиятини ошириш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишига шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги (хозирги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги) Олий аттестация комиссияси (ОАК), Фанлар академияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (хозирги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги), тасарруфида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари мавжуд бўлган бошқа вазирлик ва идораларнинг 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб умум қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юритидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш белгиланган эди [1]. Стажёр-тадқиқотчи изланувчилар институтини бекор қилиш, унда таълим олаётган шахсларни олий ўқув юритидан кейинги таълим тизимининг янги талабларига мувофиқ, уларни аттестациядан ўтказиш ва диссертация тадқиқотлари мавзуларини танқидий қайта кўриб чиқиши асосида катта илмий ходим-изланувчилар институтига ўтказиш кабилар белгиланган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР


Илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишнинг амалдаги икки босқичли жараёни (фан номзоди ва фан доктори) ўрнига, фан доктори илмий даражасини олиш учун тўғридан-тўғри диссертация ҳимоя қилишни назарда тутувчи олий ўқув юритидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий этилди (1 расмга қаранг).



1 расм. Ўзбекистонда юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг бир босқичли тизими.

Ушбу олий малакали кадрлар тайёрлашнинг бир босқичли тизими, пировардида, докторлик диссертациясига асос бўла оладиган салмоқли илмий ютуқларга эришиш, илмий тадқиқотларни юксак савияда олиб бора оладиган ва муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга илмий муаммоларни ҳал қилишга қобилиятли, истъедодли ёш кадрларни тарбиялашда долзарб аҳамият касб этиши тахмин қилинган эди. Бир босқичли тизимдан олдин ҳам икки босқичли тизим мавжуд бўлган бўлиб нимагадир бир босқичли тизимга ўтилган. Икки босқичли тизимда фан номзоди тайёрлаш босқичи кўпроқ илмий тадқиқот ишларини олиб боришга ўргатган бўлса бир босқичли тизимда бу вазифани магистратура босқичи бажариши белгилаб берилган. Бир босқичли тизимнинг яна бир афзаллиги тарафи бўлганки унда бакалавр илмий даражасига эга кадрларга ҳам докторлик диссертацияси ҳимоя қилиш имконияти берилган. Афсуски кўп ўтмай бир босқичли тизимда номақбул ишлар кўпайиб коррупция авж олганлиги сабабли бу тизим ўзини оқламаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 феврал “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”даги ПФ-4958-сон Фармони билан бекор қилиниб унинг ўрнига олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали яъни [2]:

- диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини беришни назарда тутувчи таянч докторантураси;
- диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини беришни назарда тутувчи докторантураси тизимини жорий қилинди (2 расмга қаранг).



2 расм. Ўзбекистонда юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг икки босқичли тизими.

Кейинги йилларда ёшларимизнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Таълим соҳасида охирги олти йилда бир қанча ўзгаришлар бўлди. Масалан: ОТМ ва ИТМларда босқичма-босқич “Ўқув жараёни” модулида гурӯҳ журнали, дарс жадвали, имтиҳонлар жадваллари, талабанинг рейтинг дафтарчаси, ўзлаштириш қайдномалари, давомат ҳисботлари, диплом ва академик маълумотномалар рақамлаштирилди. “Маъмурий жараён” модулида ОТМ ва ИТМ структураси, талabalар контингенти ва уларнинг харакати, профессор-ўқитувчилар таркиби тўғрисидаги маълумотларни юритиш ҳамда ҳисботларни тайёрлаш кабилар рақамлаштирилди.

Таълим жараёнини ортиқча меъёрлаштиришни қисқартириш мақсадида олий таълимнинг 26 та таълим соҳаси бўйича давлат таълим стандартларидан воз кечилди ва стандартлар сони 2 тагача қисқартирилди. Мазкур стандартлар ЮНЕСКО томонидан жорий этилган “Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси” (TXCK 2011) ҳамда “TXCK: Таълим ва касбий тайёрлаш соҳалари” (TXCK-C 2013) асосида қайта ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Республика олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш таълим сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Сўнгги беш йилда 11 минг 990 номдаги янги авлод ўқув адабиётлари яратилди ҳамда нашр этишга рухсат берилди. Жумладан, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 1 минг 527 номда (шундан, дарслик – 504 та, ўқув қўлланма – 1 023 та) ўқув адабиётлари нашр этишга рухсат берилган.

Шу билан бирга, сўнгги олти йилда (2017-2022 йй) республика олий таълим муассасаларининг хорижий университетлар билан ўзаро ҳамкорлик дастурлари ҳамда “Эл-юрт умиди” жамғармаси грантлари доирасида 6 минг 151 нафар профессор-ўқитувчилар хорижий олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларига малака ошириш ва стажировка ўташ учун юборилди. Уларнинг 2185 нафари Европа, 445 нафари Америка, 1059 нафари Осиё, 2462 нафари МДҲ мамлакатларига юборилди.

Охирги олти йилда (2017-2022) олий таълим муассасаларида таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида 6 минг 279 нафар хорижлик мутахассислар ўқув жараёнига жалб қилинган бўлиб, уларнинг 1 минг 845 нафари Европа, 462 нафари Америка, 1 минг 759 нафари Осиё, 2 минг 213 нафари МДҲ мамлакатлари профессор-ўқитувчилари ва соҳа мутахассислари ҳисобланади.

Электрон ҳукуматнинг ягона идоралараро тармоғи билан интеграция қилиш натижасида талабалар ва илмий изланувчиларнинг ўқиш жойидан маълумотнома сўраш амалиёти бекор қилинди.

Айни вақтда, ахборот тизимлари орқали ОТМ ва ИТМларнинг маъмурий бошқарув, ўқув, илмий ва молиявий фаолиятини рақамлаштиришга қаратилган бўлиб 35 дан ортиқ турли ҳисботлар ва статистик маълумотлар фақат электрон тарзда шакллантирилмоқда.

2022/2023 ўқув йили мобайнида олий ва профессионал таълим муассасаларининг мавжуд бўш иш ўринларига хужжатларни онлайн топшириш ахборот тизими – “vacancy.edu.uz” тўлиқ ишга туширилди. Вазирлик томонидан мамлакатнинг олий таълим жозибадорлигини тарғиб қилувчи “Study in Uzbekistan” (“Ўзбекистонда таҳсил олиш”) маҳсус веб-портали ишлаб чиқилмоқда.

Мазкур портал Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларининг бакалавриат, магистратура, докторантурда таълим йўналишлари, мустақил тадқиқотчилик, изланувчилик хусусиятидан келиб чиқиб, мавжуд барча таълим йўналишлари ва таълим шакллари бўйича таҳсил олиш истагини билдирган хорижий абитуриентлар ва талабалар учун аризаларни онлайн топширишга имкон беради.

Олий таълим тизимида илмий фаолиятни яхшилаш ва салоҳиятни оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда ОТМда 800 мингта яқин талабаларга 33 минг 63 нафар профессор-ўқитувчи таълим бермоқда. Илмий даражага эгалар – 13 минг 2 нафар бўлиб, шундан, фан доктори (DSc) – 2 минг 687, фалсафа доктори (PhD) – 10 минг 315 нафарни ташкил этади. Докторлик диссертация ҳимоя кўрсаткичи эса 2017 йилга нисбатан 5,1 марта оширилиб, илмий даражали педагоглар улуши республика бўйича 39,3 фоизга етказилди (2022 йил декабр ҳолатида).

2022 йилда квоталар сони қарийб 100 фоизга оширилиб, вазирлик тизимидағи олийгоҳларга докторантурда учун 1993 та квота (1704 та PhD, 128 та DSc, мақсадли докторантурага 156 та PhD, 5 та DSc) ҳамда стажёр-тадқиқотчиликка 308 та квота ажратилди. Бугунги кунда барча олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида жами **8 минг 809 нафар** илмий-тадқиқотчи **22 та ихтисослик бўйича** илмий фаолият билан шуғулланиб келмоқда (1-жадвалга қаранг).


Хозирги кунда 71 та олий таълим муассасаси ва 88 та илмий ташкилотларда (жами 159 та) докторантурда фаолияти йўлга қўйилган [3].

1-жадвал

**Ўзбекистонда ихтисосликлар кесимида илмий-тадқиқот олиб
бораётганлар сони (2022 йил сентябрь ҳолатида)**


№	Ихтисослик	Ихтисослик шифри	Илмий тадқиқотчилар сони
1.	Физика-математика фанлари	01.00.00	551
2.	Кимё фанлари	02.00.00	758
3.	Биология фанлари	03.00.00	490
4.	Геология-минералогия фанлари	04.00.00	186
5.	Техника фанлари	05.00.00	1151
6.	Қишлоқ хўжалиги фанлари	06.00.00	693
7.	Тарих фанлари	07.00.00	323
8.	Иқтисодиёт фанлари	08.00.00	812
9.	Фалсафа фанлари	09.00.00	164
10.	Филология фанлари	10.00.00	834
11.	География фанлари	11.00.00	133
12.	Юридик фанлар	12.00.00	156
13.	Педагогика фанлари	13.00.00	863
14.	Тиббиёт фанлари	14.00.00	1081
15.	Фармацевтика фанлари	15.00.00	37
16.	Ветеринария фанлари	16.00.00	63
17.	Санъатшунослик фанлари	17.00.00	154
18.	Архитектура	18.00.00	94
19.	Психология фанлари	19.00.00	119
20.	Социология фанлари	22.00.00	46
21.	Сиёсий фанлар	23.00.00	41
22.	Исломшунослик фанлари	24.00.00	60

Юқоридаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида Техника фанлари ихтиносослиги бўйича энг кўп **1151** та, Тиббиёт фанлари ихтиносослиги бўйича **1081** та, Педагогика фанлари ихтиносослиги бўйича **863** та илмий-тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб бораётганлигини таъкидлаш жоиз. **22** та ихтинослик кесимида тадқиқот олиб бораётган илмий изланувчиларнинг диаграммасини кўриб чиқамиз (3-расмга қаранг).



3 расм. Ўзбекистонда ихтиносликлар кесимида илмий-тадқиқот олиб бораётганлар.

Докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганишни ва илмий изланишлар олиб бориш учун олий таълимдан кейинги таълимда ҳозирги кунда доторантуранинг барча турлари бўйича жами **8809** нафар тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб бормоқда (4-расмга қаранг).




4 расм. Олий таълимдан кейинги таълимда докторантуранинг турлари бўйича таҳсил олаётганлар сони.

Ҳозирги кунда олий таълимдан кейинги таълимда докторантурада **422 нафар**, мақсадли докторантурада **9 нафар**, таянч докторантурада **5204 нафар**, мақсадли таянч докторантурада **225 нафар**, мустакил тадқиқотчиликка **2525 нафар**, стажер-тадқиқотчиликка **424 нафар**, жами бўлиб **8809 нафар** илмий тадқиқотчилар изланишлар олиб бормоқдалар.

Шу жумладан курслар кесимида оладиган бўлсак бинчи курсда **5029 нафар**, иккинчи курсда **2148 нафар**, учинчи курсда **1632 нафар** илмий тадқиқотчилар фаолият олиб бормоқдалар.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида **8809 нафар** илмий фаолия билан шуғулланаётганлар орасида энг кўп эркаклар эканлиги аниқланди (5-расмга қаранг).



5 расм. Олий таълимдан кейинги таълимда докторантуранинг турлари бўйича тахсил олаётганлар сони.

Ўрганишларимиз натижаси шуни кўрсатадики тадқиқотчилар орасида эркаклар **5156 нафар**, а'еллар **3646 нафар** эканлиги аниқланди. Фоиз ҳисобида оладиган бўлсак а'еллар **29 фоизни**, эркаклар эса **71 фоизни** ташкил қилди.

Иzlанишлар давомида илмий тақдикот олиб борувчиларни ўртacha ёш кесимида ҳам ўрганиб чиқилди, натижа қуидаги:

- умумий ўртacha ёш **34,5**
- эркакларда ўртacha ёш **34**
- а'елларда ўртacha ёш **35**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-6097-сон Фармонининг 1а-иловасида Концепциянинг қуидаги мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари тасдиқланган [4].

Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари

Т/п	Мақсадли кўрсаткичлар	Ўл чов бирлиги	Индикаторлар								
			2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2027 йил	2030 йил	
1.	Тадқиқотчиларнинг ўртacha ёши	Ёш	51	49	47	46	46	45	43	39	
2.	Тадқиқотчиларнинг	Фоиз	46,2	47	48	49	50	52	56	61	

Т/р	Мақсадли кўрсаткичлар	Ўл чов бирлиги	Индикаторлар								
			2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2027 йил	2030 йил	
	умумий сонида 39 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг улуши										
3.	39 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг умумий сонида юқори малакали илмий ходимларнинг (фан номзоди, фалсафа доктори, фан доктори) улуши	Фоиз	11	13	15	17	19	20	25	30	
4.	Хорижий илмий ташкилот ва университетларга илмий стажировкага юборилган тадқиқотчиларнинг умумий сонида 39 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг улуши	Фоиз	30	35	40	44	47	50	60	70	

Юқоридаги таҳлиллардан кўришимиз мумкинки ҳозирги кунда илмий фаолият билан шуғулланаётган докторантура, мақсадли докторантура, таянч докторантура, мақсадли таянч докторантура, мустақил тадқиқотчи, стажер-тадқиқотчиликда таҳсил олаётганларнинг ўртача ёши **34,5** ёшни ташкил қилмоқда бундан ташқари илмий фаолият билан шуғулланаётган бир қанча тадқиқотчилар мавжуд бўлиб агарда уларни ҳам ўртача ёшларини аниқлаб қўшганимизда Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторларида кўрсатилган 47 ёшни ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълимдан кейинги

таълим тўғрисида”ги Низомнинг 8 бандига асосан фан доктори бир вақтнинг ўзида тўрттадан қўп бўлмаган изланувчиларга илмий раҳбар ва консультант бўлиши, сўнгти уч йилда изланувчилари ўз вақтида ҳимоя қилган илмий раҳбар ва илмий консультантларга илмий ёки таълим ташкилотларининг коллегиал органи хулосаси асосида олтитадан қўп бўлмаган изланувчилар бириктирилиши ҳамда илмий унвони бўлган фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) бир вақтнинг ўзида иккитадан қўп бўлмаган изланувчиларга илмий раҳбарлик қилиши, сўнгти уч йилда изланувчилари ўз вақтида ҳимоя қилган илмий раҳбарларга таълим ёки илмий ташкилотнинг коллегиал органи хулосаси асосида учтадан қўп бўлмаган изланувчилар бириктирилиши мумкинлиги белгилаб берилди [5].

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки ҳозирга қадар охирги беш йилда фақатгина квоталар сонини ошириш бўйича амалаий ишлар олиб борилган бўлса албатта бу яхши ўзгариш ҳисобланади лекин, бундан бу ёғига сифатга ҳам эътибор беришимиз ва малакали илмий даражали кадрлар етиштириш бўйича чоралар кўришимиз керак бўлади, акс ҳолда биргина рақамларга қараб қолсак ва сифатга еътибор бермасак мамлакатимизда қўп миқдордаги сифатсиз илмий даражали кадрлар етиштирган бўламиз.

Юқоридаги ўрганишларимиз натижасида ўтган беш йил мобайнида таълим соҳасида бир қанча енгиллик ва шарт-шароитлар яратилганини гувоҳи бўлдик лекин шунга қарамасдан талайгина камчиликларимиз мавжуд, шу сабабли олдинга ўз мақсадимиз йўлида харакат қилмоғимиз лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўtkазиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони (<https://lex.uz/docs/2035850>);
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 феврал “Олий ўкув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”даги ПФ-4958-сон Фармони (<https://lex.uz/docs/3119699>);
3. Олий таълим ислоҳотлари: Кенгайиб бораётган имкониятлар (https://aza.uz/uz/posts/oliy-talim-islohotlari-kengayib-borayotgan-imkoniyatlar_392536);
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-6097-сон Фармони (<https://lex.uz/docs/5073447>);

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори (<https://lex.uz/docs/3213410>)
6. Литошенко XVI-XVII-асрларда Европа университет таълимидин тарихий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг замонавий моделлари. //Олма матер (Россия Олий таълим ахборотномаси). 2003. № 7.C.38–43 (Кўшимча ўрганилган адабиётлар);
7. Европа ва АҚШда докторантура ва малака ошириш ҳолати ва истиқболлари. Олий таълим бўйича тадқиқотлар. 2004. YUNESKO (Кўшимча ўрганилган адабиётлар).